

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.ПАРДАЕВА

Роман жанрининг культурологик қиёфаси 63

С.ҚУРОНОВ

Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси..... 66

Ф.ДАДАБАЕВА

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси..... 69

М.ЖУРАЕВА

Кундош образининг замонавий талқини..... 72

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ

Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар 76

Д.ТУРДАЛИЕВА

Лисоний имконият ва бадий санъат 79

Н.АБДУЛЛАЕВА

Синтактик градуонимия..... 84

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.ХОЖИМИРЗАЕВ

Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни 87

Р.ДЖАЛИЛОВА

Ўрта Осиё меъморчилигида наққошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти..... 92

ИЛМИЙ АХБОРОТ

К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА

Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш..... 95

Л.РАХИМОВА

Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари 99

М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ

Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири 101

А.ЭРМАТОВ

Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш 103

Л.БЕГИМҚУЛОВА

Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар..... 106

М. УСМАНОВА

Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши 108

Ҳ.ЖУРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА

Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари 111

Н.ТОШЕВА

Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида..... 113

Г.РОЗИҚОВА

Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида..... 116

З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРХУЖАЕВА

Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир..... 118

Ш.АСКАРОВА

Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари 120

М. КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ

Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти..... 123

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Илмга бахшида умр..... 126

УДК: 41+15+611-055.1

КУНДОШ ОБРАЗИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНИ

М.Жўраева

Аннотация

Мақолада ўзбек адабиётида кундош мавзусининг ёритилиши, унинг ижтимоий-психологик омиллари тадқиқ этилган ҳамда руҳий-маънавий асоси очиб берилган.

Аннотация

Статья посвящена теме двоеженства в узбекской литературе, исследованы социально-психологические факторы данного явления, раскрыты духовно-психологические аспекты героинь произведений - соперниц.

Annotation

The article reveals the theme about a married man who has two wives at the same time in the Uzbek literature, the moral-psychological aspects of this phenomenon and relationship between two rivals.

Таянч сўз ва иборалар: аёллар характери, аёл руҳияти, миллий характер, кундош образи, келин образи, қайнона-келин муносабати.

Ключевые слова и выражения: женский характер, психология женщины, национальный характер, образ второй жены мужчины, образ невесты, взаимоотношения между свекровью и невестой.

Keywords and expressions: woman's character, woman's spirit, national character, character (image) of the second wife of a man, picture of a fiancée, relationship between mother-in-law and daughter-in-law.

Ўзбек адабиётида кўплаб аёлларнинг етук образлари яратилган. Адабиётнинг энг нодир намуналари, аввало, аёлга атаб, аёл учун, унинг кўнглини олиш, дилидагини билиш, аёл деган хилқатнинг ўзилигини англатиш учун яралган.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётида аёл ёзувчиларимиз ҳам ўз жинсдошлари ҳақида бир қанча асарлар яратди. Шулардан бири Зулфия Қуролбой қизидир. Зулфия Қуролбой қизи ҳикоялари мавзуларнинг ранг-баранглиги, образларнинг турли-туманлиги, асарлардаги аёллар образининг бетакрорлиги билан алоҳида ўрин тутди. Адибанинг “Келин” ҳикояси мустақиллик даврида ёзилган сара асарлардан биридир. Чунки адабиётимизнинг ҳеч бир асарида икки хотинлилик масаласи ижобий талқинини топмаган эди.

Кундош образи хусусида адабиётшуносликда хилма-хил ва ранг-баранг фикр-мулоҳазалар айтилган [1,322]. Абдулла Қаҳҳорнинг “Даҳшат”, Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг “Заҳарли ҳаёт”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” каби асарларида бир қанча хотинли бойлар образлари берилган. Бироқ бу асарлардаги биринчи хотиндан ташқари хотинлар мажбуран, қора тақдирнинг тақозоси ила кундошлик кунжидан жой

олганлар.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги кундош образи юқоридаги асарлардан тубдан фарқ қилади. Отабек ота-она ризолиги, уларнинг истаги туфайли иккинчи хотин – Зайнабга уйланади. Адабиётшунос олим Узоқ Жўракулов кундош образи ҳақида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Негаки, биринчидан, на Шарқ классик адабиёти, на Европа аънавий романчилигида бу образни (ошиқ-маъшуқа-рақиб сингари) эпик планда ишлаш аънаси бор эди. Айнан Қодирий уни катта эпик асар таркибига рисоладагидек қиёфада олиб кириши, романнинг улкан бадий концепциясига сингдириб юбориши лозим эди. Иккинчидан, романнинг илк ўқувчилари кундаш нима эканини жуда яхши билишлари, унга хос ҳар бир детални теран англаганлари боис бу образ нисбатан мукамал ишланиши, реал воқеликка монанд келиши талаб қилинарди. Биринчи ўзбек романидаги кундаш образи ҳам роман дунёси, ҳам ўқувчилар оммаси учун мана шундай танг ва мураккаб вазиятда ишлаб чиқилди” [2.90-92].

Романда муаллиф кундош образини янада яққолроқ намоён этиш учун Зайнабнинг ўзига хос бўлган характериға бошқа образларга нисбатан кўпроқ психологик тасвир ва тавсиф беради.

М.Жўраева – ФарДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

Ўзбек тилининг изохли луғатида “кундош” сўзига шундай таъриф берилади: “Бир эр никоҳидаги бир неча хотин (бир-бирига нисбатан); кундошлик хотинлар орасидаги ҳолат, муносабат” [4.190].

Зухриддин Исомиддинов “Икки аёл” мақоласида Кумуш ва Зайнабни қиёслаб, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидаги Нурини Зайнаб образининг мантиқий давоми, деб атайди (381-бет). Узоқ Жўрақулов эса Зайнаб ва Хушрўйбиби характерларини қиёслайди. Зайнабнинг Отабек уйидаги ҳолатини – бахтсиз ошиқ, деб таъриф беради (192-бет). Адабиётшунос олим мақоласида “кундош” сўзини “кундаш” шаклида қўллайди. Мустақиллик давридаги асарларда тасвирланган кундош образи ХХ аср адабиётидаги ушбу образдан тубдан фарқ қилади. Лев Толстой “Анна Каренина” романида Кити ва Анна, Тургеневнинг “Баҳор тошқинлари” қиссасида Жемма ва Марья каби образларда рақиблик, рақобат масалалари биринчи планга чиқади. Бу аёллар кундош эмас, уларда ўзбекларга хос бўлган урф-одат тасвирланмайди. Ғарб адабиётида бу каби аёллар эркак кишининг бойлиги, мансаби учун ўзини севган аёл қиёфасида кўрсатишлари акс этган.

Адиба Зулфия Қуролбой қизининг “Келин” ҳикоясида кундош образи шундай талқин қилинадикки, гўё доно халқимизнинг “Овсин тош билан отишар, кундош пахта билан” мақоли асосида ёритилган. Бу асар замонавий мавзудаги ҳикоялардан бири бўлиб, асар қаҳрамонлари Муслим момо, Турсунбой чол, Холдор келин, Файзимурод, Ойгул [5.431].

Қишлоқдан шаҳарга бориб ишлаётган ўғилнинг тез-тез уйни тарк этиб шаҳарда қолиши чол-кампирини ўйга толдирди. Бу тўғрида Холдор келин қайнона-қайнотасига ҳеч қачон айтмайди. Холдор келиннинг бу ҳолати қари қайнона-қайнотани авайлаш билан бирга ўзбекларга хос миллийликни кўрсатиб беради. Чунки ҳикоя қаҳрамони Файзимуроднинг иккала хотини ҳам қайнона-қайнотанинг юзига тик қарамайди. Қайнона ва қайнотада ҳам ўзбекларга хос миллий психология кўзга яққол ташланади. “Ўғлини уйлантирганига ўн йилдан ошяптики, Муслим момо келинининг хонасига кирмайди. Бирор зарурат туғилиб қолса, мана ҳозиргидай, эшик олдида туриб гаплашиб қайтади. Ичкарига ҳатто кўз

қирини ҳам ташламайди. Келинининг тўшагига кўзи тушишини хоҳламайди” [5].

Муслим момонинг бу ҳолати айни ўзбек қайноналарига хос фазилатдир. Ҳеч қайси миллатда бу ҳолат кўзга ташланмайди. Эътибор беринг-да, қайнона ўз ўғлининг уйига, яъни ётоғига кирмайди, у жойга назар ҳам ташламайди. Бу ҳолат ота-боболаримиздан қолган урф-одатлардан энг намуналисидир. Адиба Муслим момо образи орқали ўзбекларнинг ёддан кўтарилаётган яна бир урф-одатини эслатиб ўтмоқчи. Дарҳақиқат, кун-сайин бундай урф-одатлар ёшларимиз ёдидан кўтарилиб, унутилиб бораётир.

Адиба Холдор келин характерини очишда, уни янада ёрқинроқ ифода этиш учун чол ва кампир нутқидан фойдаланади. Холдор келин чол-кампирининг кўнглидаги келинларидан бўлиб, бирор марта сан-манга боришмаган. Холдор келин соддагина, тўпоригина, камгап, камсуқум, меҳнаткаш жувон. Эртадан кечгача чол-кампирининг хизмати ва рўзғор ташвишлари билан елиб-югуриб чарчамайди.

Адиба Муслим момо монологи орқали ўқувчини ҳам қизиқ воқеани тинглашга тайёрлаётгандек кўринса-да, бунинг жумбоқлигича қолдиради. Асар давомида Турсунбой чолнинг армони орқали шу жумбоқнинг ечими ўқувчига ҳавола қилинади. Айниқса, Муслим момонинг чолига нисбатан қарши ҳужумга ўтиши ўқувчини лол қолдиради. “Ёқмаётган бўлса, ана жавоб бердим, ёшроғига уйланиб ола қолинг. Мани бўлган-турганим шу!”. Комик ҳолатда берилган бу гапларда аччиқ ҳақиқат ётади. Чунки Муслим момо шунча йил турмуш қуриб, чолининг ўзидан нима истаётганини фаҳмлай олмаган. Бу, асардаги яна бир жумбоқни кўрсатса, ўғлининг характери очилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Чунки, қирқ йил бирга яшаб Муслим момодек кампир эрини ўзидан нима истаётганини билолмас экан, Файзимуроддек ўғил ўзи истаган аёл билан бирга бўлса, бунинг нимаси ёмон, бироқ ўғлининг ўзга бир аёлга кўнгли қўйиб, у билан бирга яшашига ота-она қаршилик кўрсатади.

Муслим момо шу ёшида эрини қизғаниб, ўтмишини ёдига солиб, рашк қилади. Нега энди 4 фарзанднинг онаси бўлган Холдор келин дод-фарёд солмайди,

худди Зайнаб сингари ёки бошқа кундоши бор аёлларга ўхшаб қайнона-қайнотага тикка гап айтмайди. Адиба қаҳрамонлар портретини чизишни ҳам асар қаҳрамонларига топширади. Айниқса, дуркун аёлнинг ўзини тутиши, Холдор келин билан бу дуркун аёл портрети момо нигоҳи билан аниқ акс этган. “Муслим момонинг кўзларига Холдор келиннинг қорача, тўрлаган, тирноқлари сарғайган бармоқлари кўриниб кетди... Аёлнинг ҳаракатларида бачканалик, зўракилик сезилмасди. Қарашлари мулозим ва самимий эди. Муслим момонинг кўзларига меҳнаткаш, қўли қадоқ Холдор келиннинг одамга қаттиқ тикиладиган, ҳиссиз нигоҳлари кўриниб кетди”.

Ҳикояда қалб ва қиёфа уйғунлиги ҳаракат ва портрет мутаносиблиги бўлиб, қаҳрамон дунёсидаги жисмоний, фикрий, рухий-маънавий ҳаракатларида намоён бўлади. Портрет ва характер уйғунлигига хос иккинчи жиҳат қаҳрамонлараро мулоқотларда, психологик жараёнларда кўзга ташланади.

Асардаги айнан Муслим момо хаёли орқали бериладиган парча икки аёл образини аниқ тасвирлаб беради. Ўқувчи беихтиёр Ойгул билан Холдор келинни худди момодек тасаввур қиладики, кундош деганда икки хил гўзал ва хунук аёл образи гадаланади. Адибанинг портрет яратиш маҳорати Абдулла Қодирий маҳоратига яқин туради. Чунки биринчи романадиб ҳам “Ўткан кунлар” романида Кумушни жудаям гўзал қилиб тасвирлаб, Зайнабни қорачадан келган, Кумушга нисбатан хунук қиз сифатида тасвирлайди.

Ўзбек адабиётида қайнона образи тасвири деярли бир-бирига ўхшаш характерда гадаланади. “Ўткан кунлар” романида Ўзбек ойим (Кумушнинг гўзаллиги олдида лол қолади) ўғлини бир “анди”га уйланиб олишини истамайди ва ўзи орзу қилганидек тўй қилиб, Зайнабни уйига келин қилиб олиб келади. Бироқ Ўзбек ойим икки кундош орасида қайнона-келин муносабатини ҳам шундай йўлга қўядики, адиб бу ҳолатни ўта кучли маҳорат билан тасвирлайди.

Асарда Муслим момо образи орқали куюнчак она, ўткир қайнона, аламзада ёр, садоқатли аёл тасвири берилган. Муслим момо ўғлининг қандайдир бир аёл билан кўриб бу дунёси қоронғу бўлади.

Ойгул - замонавий тадбиркор аёл. Бироқ унга тақдир кулиб боқмади. Бахти очилмаган тадбиркор аёл Файзимурод учун қалбини очди. Унга бор меҳрини беради. Ойгул ўз меҳрини нафақат Файзимурод, балки унинг оила аъзоларидан ҳам аямайди. Ойгулнинг мақсади Файзимурод фарзандларини ўз болаларидек кўрса, уларга меҳр берса. Ойгулнинг бу мақсадига Холдор келин қандай қарайди, бироқ асарда Холдор келиннинг унга муносабати сезилмайди.

Ойгул ва Холдор келин муносабати асарда ёритилмаган. Холдор келинга Муслим момо Ойгул ҳақида индамайди, ўғлини янги иш билан банд эканлигини, у ерда ётиб ишлашини уқтиради(таъкид бизники - М.Ж). Чунки Ойгул чол-кампири машинада совға-саломлар билан кузатади, уларнинг меҳрини қозонади. Катта набирасининг номига Ойгул ҳовли олиб беради. Бироқ асарда Холдор келиннинг бирор бир норозилик қиёфаси акс этмайди. Кундошлар худди опа-сингил овсинлардек бахтли ҳаёт кечиради.

Асардаги Холдор келин, Файзимурод, Ойгул тақдири бундан деярли ярим аср олдин ёзилган Пиримқул Қодировнинг «Эрк» қиссасини ёдимизга солади. Қиссадаги Ойша, Саттор, Розия тақдири ҳам мавҳумлигича қолади, улар даврнинг, маконнинг қурбонларидир. Ота-она фикри, орзуси билан уйланган Саттор шаҳарда Розияни учратиши, уни севиб қолиши, бироқ оила олдидаги масъулияти туфайли севгисидан воз кечиши каби воқеалар ўз пайтида китобхонларнинг қалбини ларзага келтиради. Бироқ асардаги бу учлик тақдири мавҳумлигича қолади. Уччаси ҳам бахтсиз. Севмаган эр билан яшаётган Ойгул янада бахтсиз. Севмаган хотини билан ўғли, оиласи масъулиятини ҳис қилиб, юраги бошқа аёлга талпинган Саттор ундан-да ғариб ва бахтсиз. Севган йигитининг тинчини, бахтини бузмасликка ҳаракат қилиб яшаётган Розия ҳам танҳолик ва бахтсизликка маҳкум.

Аммо бу ҳолат “Келин” ҳикоясида кўзга ташланмайди. Файзимурод ва Ойгул муносабати чол ва кампир муносабатлари, қарашлари орқали ифодаланади.

“Келин” ҳикоясида Холдор келиннинг кундошга бўлган муносабати тасвирланмайди. “Эрк” қиссасида Ойша

АДАБИЁТШУНОСЛИК

оиласининг барбод бўлишига йўл қўймайди, эри кимнидир севиб, уни ташлаб кетишини ўзига сингдиrolмайди, шунинг учун ҳам ўзини дарёга ташлаб, ўз жонига қасд қилади. Ойшанинг бу хатти-ҳаракати унинг оиласини сақлаб қолади. Унинг тўпори меҳрибончиликлари Сатторга ёқмайди. Саттор шаҳардан келганда тер ҳиди анқиган қўйлаги, кир, қора қўллари, бир этак ўтни орқалаб келиши ёки бўлмаса овқатланиш жараёнида косасидаги гўшти эрининг косасига солиши каби ҳолатлар тасвирланади. “Келин” ҳикоясида эса Холдор келин учун бу каби ҳолатлар ва воқеалар бегона, шунинг учун ҳам адиба томонидан бу каби ракурслар кўрсатилмайди. Аксинча, унинг тўрт фарзанди борлиги, қайнона ва қайнотаси юзига тик қарамаслиги, ҳурматини жойига қўйиши аниқ лавҳаларда баён қилинган. Асарда Холдор келин характери ва ташқи

қиёфаси Муслим момо ўй-хаёлларида ёритилади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ўзбек адабиёти намуналарида аёл образининг миллий менталитет, маҳаллий колорит фонида тасвирлашга уриниш, унинг психологияси, воқеликка муносабати ҳамда характер қирраларини бадиий тадқиқ этишга интилиш тобора кучайиб бормоқда. Биз юқорида таҳлилга тортган намуналар эса бунга яққол мисол бўлади.

Адиба Зулфия Қуролбой қизи “Келин” ҳикояси орқали сабр-тоқатли ўзбек аёлининг характерини Холдор келин образи орқали ёритган бўлса, ўзбек миллатига хос бўлган миллийлик, урф-одатларни Муслим момо образи орқали акс эттиради. Ҳикояда ота-бола, қайнона-келин, эр-хотин муносабатлари ёрқин тасвирланган. Адиба Ойгул орқали янги, замонавий кундош образини яратди.

Адабиётлар:

1. Зухриддин Исомиддинов. “Икки аёл”. // Ўзбек адабий танқиди. Антология. – Т.: Турон-иқбол, 2011; Узоқ Жўрақулов “Биринчи ўзбек романи -“Ўткан кунлар”. “Кундаш образи”. // Назарий поэтика масалалари. – Т., 2015.
2. Каримов Б.Қодирий насри–нафосат қасри. – Т., 2014.
3. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Т.:“Ғ.Фуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2015.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006.
5. “Гулистон” журнали. - 2012 йил, 6-сон.

(Тақризчи: Й.Сопижонов, филология фанлари доктори, профессор).